

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**200** **Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт  
йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2356*

*(2012 йил 7 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги ПҚ-1542-сон «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 229-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги 240-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 348-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 99, 44-сон «Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1489, 2005 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 27-сон, 196-модда);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 23 сентябрдаги 169, 79-сон «Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1489-1, 2010 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 370-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 15 март,  
15-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 15 март,  
29-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг  
2012 йил 15 мартдаги 15, 29-сонли қарорига  
ИЛОВА

### **Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги 240-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 348-модда) мувофиқ санатория-курортда даволанишга мухтож ишламайдиган ногиронлар, пенсионерлар ва ёлғиз кексаларни (бундан буён матнда ногиронлар ва кексалар деб юритилади) бепул санатория-курорт йўлланмалари (бундан буён матнда йўлланмалар деб юритилади) билан таъминлаш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномага мувофиқ йўлланмалар кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга (бундан буён матнда санаторийлар деб юритилади) берилади.

2. Ногиронлар ва кексалар туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари (бундан буён матнда марказ деб юритилади) орқали йўлланмалар билан мазкур Йўриқномада белги-ланган тартибда таъминланади.

#### **II. Йўлланмалардан фойдаланувчи ногиронлар ва кексалар тоифалари**

3. Йўлланмалардан фойдаланувчи ногиронлар ва кексалар тоифасига қуйидаги шахслар киради:

Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенг-лаштирилган шахслар, шунингдек I-гурух уруш ногиронини кузатиб борувчи шахс;

фронт ортидаги фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизматлари учун собиқ ССР Иттифоқининг орден ва медаллари билан тақдирланган, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги меҳнат fronti қатнашчилари;

халок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;  
 республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;

ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар;

I ва II-гурӯх ногиронлари, кўзи ожиз I-гурӯх ногиронини кузатиб борувчи шахс;

ишламайдиган ёлғиз кексалар;  
 ишламайдиган ёшга доир пенсионерлар.

4. Йўлланмаларни бериш даврийлиги:

а) ҳар йили (навбат асосида):

Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I -гурӯх уруш ногиронини кузатиб борувчи шахсга;  
 республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахсларга;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахсларга;

ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга;

ишламайдиган ёлғиз кексаларга;

б) икки йилда бир маротаба (навбат асосида):

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга;

фронт ортидаги фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизматлари учун собиқ ССР Иттифоқининг орден ва медаллари билан тақдирланган, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги меҳнат fronti қатнашчиларига;

халок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига;

I ва II-гурӯх ногиронлари, кўзи ожиз I-гурӯх ногиронини кузатиб борувчи шахсга;

в) санаторийларда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда, навбат асосида, аммо 3 йилда 1 маротаба — ишламайдиган ёшга доир пенсионерларга.

### III. Йўлланмаларнинг тақсимоти

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) талабномаларига асосан ногиронлар ва кексаларнинг умумий сонига мувофиқ республика санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар чоракда тасдиқлайди.

Ушбу талабномалар ҳар чоракда, навбатдаги чорак бошланишидан бир ой олдин вазирликка тақдим этилади.

6. Тасарруфида санаторийлар бўлган ҳудудий бошқармалар марказларнинг талабномаларига асосан ногиронлар ва кексаларнинг умумий сонига мувофиқ ҳудудий санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар ойда тасдиқлайдилар. Зарур бўлганда, ҳудудий санаторийларга республиканинг бошқа ҳудудларида яшовчи ногиронлар ва кексалар учун ҳам йўлланмалар вазирликнинг талабномасига асосан ажратилиши мумкин.

Ушбу талабномалар навбатдаги ой бошланишидан олдинги ойнинг 15-санасигача тегишли ҳудудий бошқармаларга тақдим этилади.

7. Фойдаланилган йўлланмалар тўғрисидаги маълумотлар, ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар ҳудудий бошқармалар томонидан вазирликка тақдим этилади.

#### IV. Йўлланмаларни бериш

8. Ногиронлар ва кексалар йўлланмаларни олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

марказ раҳбари номига ариза;

паспорт нусхаси;

имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

тиббий хулоса.

Аризалар мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ махсус рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

9. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар учун санаторийларга йўлланмалар биринчи навбатда берилади.

10. Йўлланмалар, уларни амал қилиш муддати бошланишидан камида 10 кун олдин ногиронлар ва кексаларга тиббий хулосага мувофиқ берилади.

11. Йўлланмалар тиббий хулосада қуйидаги касалликлар кўрсатилганда берилмайди:

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавfli бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган рухий касалликлар, хусусан тез-тез (ҳар ойда 5 мартадан кўп) тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўшашувчанликка, дисфорияларга мойиллик касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари, ОИВ юққанлар.

12. Тиббий хулосаларда ногиронлар ва кексаларни тегишли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган санаторийларга йўлланма бериш юзасидан маълумотлар киритилиши мумкин.

13. Йўлланмани беришда, йўлланма варақасининг барча устунлари тўлиқ тўлдирилиши лозим, шу жумладан ногиронлар ва кексаларнинг Ф.И.О., тоифаси, йўлланма билан таъминлаган марказнинг номи кўрсатилиши керак.

Йўлланмалар, уларни беришга масъул бўлган шахснинг имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

## V. Йўлланмалардан фойдаланиш

14. Йўлланмалар фақат уларда кўрсатилган муддатларда ҳақиқийдир. Кечикиб келинган кунлар тикланмайди.

15. Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахсина фойдаланиши мумкин. Санаторийга битта йўлланма билан биттадан ортиқ киши қабул қилинмайди.

16. Санаторийга ташриф буюрган ногиронлар ва кексалар ўзи билан бирга йўлланмадан ташқари паспорт ва санатория-курорт картасини олиб келиши лозим.

17. Санаторийларга қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилади.

18. Ногиронлар ва кексалар санаторийга бора олмаган тақдирда зудлик билан марказга ахборот бериши лозим ҳамда келиш муддатларини кўчириш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

## VI. Яқуний қоидалар

19. Вазирлик йўлланмаларни жойларда ўз вақтида ва мақсадли берилиши, ногиронлар ва кексалар йўлланмаларни олишларида навбатга риоя қилишини таъминлайди ва назоратини амалга оширади.

20. Йўлланмаларнинг бланкаларини ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар республика санаторийлари бўйича вазирлик томонидан, ҳудудий санаторийлар бўйича эса ҳудудий бошқармалар томонидан амалга оширилади.

21. Санаторий раҳбарлари соғломлаштирилган ногиронлар ва кексаларга санаторийда ҳақиқатда бўлган вақтини, муддатидан олдин кетган бўлса, унинг сабаблари кўрсатилган «бепул санатория-курорт йўлланмасига қайтарма талон»ни беради.

22. Ногиронлар ва кексалар санаторийдан қайтиб келгандан сўнг яшаш жойи бўйича марказга «бепул санатория-курорт йўлланмасига қайтарма талон»ни топшириши шарт.

«Бепул санатория-курорт йўлланмасига қайтарма талон» йўлланманинг ишлатилганини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

23. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Карлар жамияти ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» Республика Ассоциацияси билан келишилган.

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ИКРАМОВ**

*2012 йил 12 март*

*Ўзбекистон Ногиронлар  
жамияти раиси*

**О. ИСОҚОВ**

*2012 йил 13 март*

*Ўзбекистон Кўзи ожизлар  
жамияти раиси*

**А. АБДУНАБИЕВ**

*2012 йил 14 март*

*Ўзбекистон Карлар  
жамияти раиси*

**Ф. ПАРАМОНОВА**

*2012 йил 15 март*

*«Ўзбекистон Чернобилчилари»  
Республика Ассоциацияси раиси*

**Ю. НИКОНОВ**

*2012 йил 16 март*

Ишламайдиган ногиронлар ва кексаларни  
санаторий-курорт йўлланмалари билан бепул  
таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
ИЛОВА

17 (517)-сон

**Кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун  
санаторийларга ногиронлар ва кексалардан бепул санатория-курорт  
йўлланмаларини олиш учун тушган аризаларни рўйхатга олиш  
КИТОБИ**

| № | Ариза билан мурожаат қилинган сана                                   | Ногирон ва кексанинг Ф.И.О.               | Ногиронлар ва кексаларнинг тоифаси                        | Ногиронлар ва кексаларнинг доимий яшаш манзили | Тиббий маълумотнома номери, санаси ва берган муассаса номи | Тиббий маълумотномага асосан тавсия этилган санатория номи |
|---|--|---|---|--|--|--|
| 1 | 2  | 3   | 4   | 5  | 6  | 7  |
|   | Йўлланма берилган санатория номи, йўлланма рақами, санаси ва муддати | Йўлланмани берган масъул ходимнинг имзоси | Йўлланмани қабул қилган ногиронлар ва кексаларнинг имзоси | Санаторияга етиб борган санаси                 | Санаториядан қайтиб келган санаси                          | Изоҳ   |
|   | 8  | 9   | 10  | 11   | 12   | 13   |

— 65 —

200-модда